

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 632.093+576.8+632.9

ЭГАМБЕРДИЕВА ДИЛФУЗА РУСТАМОВНА

**РИЗОСФЕРА БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАНИШ
МЕХАНИЗМИ ВА УЛАРНИНГ ЎСИМЛИК ҲИМОЯСИДАГИ
ФАОЛИЯТИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.11. - «Ўсимликларни ҳимоя қилиш»

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2011

Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Биология – тупроқшунослик факультетида 1998-2010 йилларда бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: Биология фанлари доктори, профессор
Рахимов Мирзатхам

Расмий оппонентлар: биология фанлари доктори, профессор
Исмаилов Зафар Исмаилович
қишлоқ хўжалик фанлари докто X\X\\\\ри, профессор
Хасанов Ботир Очилович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори
Мавлянова Равза Фазлетдиовна

Етакчи ташкилот: Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти

Ҳимоя 2011 йилнинг “___” _____ соат ___да Тошкент Давлат аграр университети ҳузуридаги Д.020.55.01 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор шаҳарча фуқаролар йиғини, Университети кўчаси 2-уй, Тошкент Давлат аграр университети, Тел.: 260-48-80; факс (8-371) 260-48-80, веб-сайт: www.agrar.uz, e-mail: tuag.info@edu.uz.

Диссертация иши билан Тошкент Давлат аграр университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «___» _____да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Б. Гулямов

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Дунё аҳолисининг сони тез суръатлар билан ортиб бориши муносабати билан XXI асрнинг энг йирик муаммоларидан бири озик – овқат маҳсулотларини етиштириб бериш муаммоси бўлиб қолди. Бу эса қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни кенгайтириш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишни талаб этади. Бунинг устига, ҳозирги кунда кузатилаётган экологик муаммолар – иқлим ўзгариши, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни секин-аста чўлга айланиб бориши, шўрланиш ва бошқа шунга ўхшаш қатор муаммоларни пайдо бўлиши оқибатида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасайиб, дунё бўйича озик–овқат етишмовчилигига олиб келди (Каримов, 2009; Абдуллаев, 2004). Шўрланган тупроқларда, ўсимликларни турли хил касалликларга чалиниш даражаси ошиб, экинлар ўсиши ва ривожланиши сусайиши натижасида ҳосилдорлик 15 – 20% гача камайиб кетганлиги кузатилмоқда.

Қишлоқ хўжалик экинлари орасида замбуруғ касалликлари жуда кенг тарқалган. Ҳозиргача, қишлоқ хўжалик экинларини касалликлардан ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун кўплаб кимёвий воситалардан фойдаланиб келинмоқда. Кимёвий воситалардан сурункали фойдаланиш инсон соғлигига ва атроф муҳитга зарарли эканлиги аниқланган (Hu et al., 2009; Sadikot et al., 2005; Berg et al., 2001). Уларнинг нархи ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун жуда қиммат ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини фаол ривожлантириш мақсадида, ўсимликларнинг касалликларга чидамли бўлган навларини яратиш бўйича ҳам илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Афсуски, бундай навларни яратиш бир томондан узоқ вақт ва катта харажат талаб қилса, иккинчи томондан, улар йиллар ўтиши билан ўз хусусиятларини ўзгартириб, ҳосилдорлик янада пасайиши кузатилмоқда.

Муайян касаллик билан курашиш мақсадида, ўсимликларни ўсишини ва ривожланишини тезлаштирувчи ва турли касалликлардан ҳимоя қилувчи бактериялар асосида, биологик ва экологик соф рақобатбардош биофунгицидлар ишлаб чиқариш ва уларни қишлоқ хўжалик амалиётига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо, биофунгицидларни асосини ташкил қилган бактериялар фаолияти ва самарадорлигига ҳар хил экологик омиллар таъсир этиши ҳам мумкин.

Шунинг учун, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилувчи биологик воситаларни яратиш мобайнида, уларни экологик ноқулай бўлган шароитларда қишлоқ хўжалик ўсимлигига таъсир этиш механизмини ёритиб бериш энг муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бундай изланишларни олиб борилиши, биологик воситалардан қишлоқ хўжалиги амалиётида тўғри фойдаланишга олиб келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунгача ризосфера бактерияларининг ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилувчи ва ўсимликнинг тупроқ таркибидаги озуқа

моддаларни ўзлаштиришини кучайтирувчи хусусиятларини тушунтиришга қаратилган бир неча механизмлар мавжуд бўлиб, буларга фитогормонлар синтез қилиш, патоген замбуруғларига қарши антагонизм каби жараёнлар киради ва булар кўпгина олимлар томонидан яхши ўрганилган (Lugtenberg et al., 2001, 2004; Kravchenko et al. 2003; 2004). Аммо адабиётларда биофунгицидларни асосини ташкил қилган бактерияларнинг экологик ноқулай бўлган шароитларда ўсимликларни илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш ва шўрга чидамлилигини ошириш механизмлари ҳозиргача тўлиқ ёритилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот ишлари 1998-2010 йиллар мобайнида Республика Давлат Фан ва техника қўмитаси илмий кенгашлари томонидан тасдиқланган И8 – 12 (2008-2009) рақамли мавзу-режага киритилган дастур “Микроорганизмлар ассоциацияси ёрдамида рақобатбардош бактериял ўғитлар яратиш” ҳамда халқаро илмий лойихалари: FAO-IFAR (2011-2012) “Экологик ноқулай шароитларда нўхот илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилувчи ва уни ҳосилдорлигини оширувчи биопрепаратлар яратиш”, TWAS 07-271RG/BIO/AS (2008-2009) “ Ризосфера бактериялари ёрдамида ғўза ўсишини яхшилаш, *Fusarium* вилт касаллигини биологик ҳимоя қилиш ва ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириш”, Европа Иттифоқининг INTAS M2-6969 (2005-2007) “Ўзбекистон шароитида, ўсимлик ўсишини стимулловчи ва турли замбуруғ касалликларидан ҳимоя қилувчи бактериялар ёрдамида экологик тоза маҳсулот яратиш”, INTAS 18-64-39 (2005-2008) “Ўсимликларнинг турли стресс шароитларига чидамлилигини ризобактериялар ёрдамида ошириш”, NATO CLG980533 (2004-2005) “ Буғдой ўсишини стимулловчи ва касалликларидан ҳимоя қилувчи, стресс омилларга чидамлилигини оширувчи ризосфера бактерияларини яратиш”, шу билан бирга UNESCO L’OREAL (2006-2008) “Ноқулай шароитларда ўсимлик замбуруғ касалликларини биологик назорат қилувчи бактериялар селекцияси”, NATO-CNR (2003-2004) “Модел илдиз экссудатларининг ризосфера бактерияларининг фаолиятига таъсири”, СИМО, Финландия (2001) “Ўсимлик ўсишини стимулловчи ва замбуруғ касалликларидан ҳимоя қилувчи бактерияларнинг механизмларини ўрганиш”, DAAD (1998-1999) “Турли экологик омилларнинг ризосфера бактерияларининг фитоэффektivлигига таъсирини ўрганиш”, фондларининг грантлари асосида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади - ризосфера бактерияларининг буғдой, ғўза, бодринг ва помидордаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик ҳимоя қилувчанлик, ўсишини жадаллаштирувчанлик, ва шўрланишга чидамлилигини оширувчанлик фаолиятларига биотик ва абиотик омилларнинг таъсирини ўрганиш, уларнинг экологик ноқулай бўлган шароитларда ўсимликлар билан алоқаларидаги интеграцияланиш механизмларни ёритиб бериш ва Ўзбекистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида ўсимликдаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик ҳимоя

қилувчи, шўрланишга чидамлилигини оширувчи фаол биофунгицид яратиб амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Кўзланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мазкур тадқиқотлар қуйидаги вазифаларни ўз таркибига олади:

- Қишлоқ хўжалик экинлари билан ассоциацияда яшовчи бактериялар популяциясига биотик ва абиотик омилларнинг таъсирини ўрганиш, тупроқ шўрланишининг антагонист бактериялари сонига ва турларига таъсирини аниқлаш;
- Абиотик омилларнинг жумладан ҳарорат ва тупроқ типларини антагонист бактерияларининг ўсимликларни ўсишини жадаллаштириш, ғўза фузариоз илдиз чириши касаллигини биологик назорат қилиш ва ўсимлик илдизида вегетация давомида яшаб кета олиш хусусиятларига таъсирини ўрганиш;
- Шўрланган тупроқларда ўсувчи буғдой, ғўза, бодринг ва помидор илдизларида фузариоз илдиз чириши касаллигини кўзгатувчи патоген замбуруғларини ажратиб олиш, турларини аниқлаш ва патогенлик даражасини ўрганиш;
- Шўрланишга чидамли, илдизда фаол колонияланувчи ва биофунгицидлик хусусиятга эга бўлган бактерияларни селекция қилиш; уларнинг шўрланган тупроқда ўсувчи буғдой, ғўза, бодринг ва помидордаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш ва шўрланишга чидамлилигини ошириш каби хусусиятларини ўрганиш;
- Биофунгицид асоси бўлган ризобактерияларнинг ўсимликдаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш жараёнидаги асосий механизмларни таҳлил қилиш;
- Биофунгицидларнинг шўрланган тупроқда ўсган буғдой, ғўза, бодринг ва помидор илдизларида яшаб кетиш хусусиятини ўрганиш;
- Биофунгицидларнинг шўрланган тупроқда ўсган буғдой илдизидаги замбуруғлар ва бактериялар популяциясига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Илмий тадқиқот ишлари Германиянинг Бранденбург регионида кумли лой тупроқларида ва Ўзбекистоннинг Тошкент, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Тадқиқотлар учун буғдой илдизида фаол колонияланувчи бактериялардан, *F.culmorum*, *F. oxysporum f. sp. vasinfectum*, *F. solani* замбуруғларидан, буғдойнинг (*Triticum aestivum*) “Турон”, ғўзанинг (*Gossypium hirsutum* L) “С6524”, бодрингнинг (*Cucumis sativum* cv.) “Simbal” ва помидорнинг (*Lycopersicon esculentum* Mill) “Bella” навларидан фойдаланилди.

Тадқиқот методлари. Буғдой илдизида фаол колонияланувчи бактериялар Validov et al., (2006) қўллаган усулда King В озика муҳитидан (King et al., 1954), *F.culmorum*, *F. oxysporum f. sp. vasinfectum*, *F. solani* замбуруғлари касалланган буғдой, ғўза, бодринг ва помидор илдизидан PDA (potato dextrose agar) озика муҳитидан ажратиб олинди. Ажратилган бактерияларнинг физиологик-биокимёвий хусусиятларини ўрганишда “Методы

почвенной микробиологии” (Звягинцев, 1980) қўлланмасидан фойдаланилди. Бактерияларни қайси турга мансуб эканлигини Biolog идентификация системаси орқали (Biolog (GN, GP) (bioMérieux), Behrendt et al., 1997), молекуляр биологик усулларни қўллаш орқали ва замбуруғларни қайси турга мансуб эканлигини аниқлашда Билай (1977) аниқлагичидан фойдаланилди. Ризосфера бактерияларининг замбуруғ патогенларига жумладан *F.culmorum*, *F. oxysporum f. sp. vasinfectum* ва *F. solani* ларга қарши антагонистик фаоллиги PDF (potato dextrose agar) озиқа муҳитида аниқланди. Турли модел илдиз эксудатларининг жумладан глюкоза, глутамин кислота, лимон кислотаси, шавел кислоталарнинг ризосфера микроорганизмлар фаолиятига таъсирини ўрганишда Falchini et al., (2003) қўллаган методлардан фойдаланилди. Бактерияларнинг цианид кислота (HCN) синтез қилиши Castric (1975) усулида, протеаза синтез қилиши Brown ва Foster усулида (1970), β-глюканаза синтез қилиши Walsh et al.,(1995) усулида ва целлюлаза синтез қилиши эса Hankin ва Anagnostakis, (1977) усулида аниқланди. Фитогормон ауксин ИУК (индолил 3 сирка кислота) синтез қилиши эса, Салковский реагенти ёрдамида колориметрия усулида аниқланди (Bano and Musarrat, 2003). Бактерияларнинг буғдой, ғўза, бодринг ва помидордаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш, ўсимликларни ўсишини жадаллаштириш, шўрланишга чидамлилигини ошириш каби хусусиятлари тувакчаларда олиб борилди.

Иссиқхона тажрибаси Тошкент вилояти Қибрай тумани ТошДАУ илмий тадқиқот ва ўқув тажриба станциясида амалга оширилди. Катта дала тажрибаси эса Хоразм вилояти “Биоўғит” КТИЧК га қарашли бўлган фермер хўжаликларида ўтказилди. Биофунгицид тайёрлаш махсус тайёрланган регламент асосида олиб борилди. Олинган натижалар Microsoft Excel 98 статистик таҳлили ёрдамида анализ қилинди. Натижаларни бир бирларига қиёслаш эса, Student t-тест (LSD) ($p < 0.05$) ёрдамида ҳисобланди. Стандарт хатолик ва ишончлилик даражаси ҳисобга олиниб, таҳлил қилинди.

Тадқиқот фарази. Ҳозиргача, қишлоқ хўжалик экинларини касалликлардан ҳимоя қилувчи кўплаб кимёвий препаратлардан фойдаланиб келинмоқда. Ўсимликларни турли касалликлардан ҳимоя қилувчи биофунгицидлар яратиш, атроф-муҳитни ҳамда инсонлар саломатлигини кимёвий препаратларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилади. Бундай биофунгицидлар ўсимликларни нафақат касалликдан асраши, балки, экологик ноқулай шароитларда уларни чидамлилигини ва ҳосилдорлигини ошириши билан ҳам ажралиб туради. Биофунгицидлар фаолиятига турли абиотик ва биотик омиллар таъсир этади. Бундай ҳолда биофунгицидлар яратишда экологик ноқулай бўлган шароитга мослашган бактериялардан фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар.

- Тупроқ ҳолати – ўсимлик илдизида яшовчи бактериаларнинг антагонистик хусусиятларига ва хилма-хиллигига таъсир қилувчи асосий фактор бўлиб ҳисобланади
- Антагонист бактерияларнинг ўсимликдаги фузариоз илдиз чириш касалликларини биологик назорат қилувчанлик, ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчанлик фаолиятига бактерияларнинг экологик мослашган адаптация муҳити жумладан: тупроқнинг ҳолати ва ҳарорат таъсир этади.
- Илдизда рақобатбардош колонияланиш фаоллиги асосида танлаб олинган бактериялар *P.chlororaphis* TSAU13, *P. putida* TSAU1 ва *P. extremorientalis* TSAU20 шўрланган тупроқларда буғдой, ғўза, бодринг ва помидордаги фузариоз илдиз чириш касаллигини камайтиради ва ўсимликни шўрга чидамлилигини оширади.
- Илдизда фаол колонияланувчи ризобактерияларнинг ўсимликни фузариоз илдиз чириш касаллигидан ҳимоя қилиши ва шўрланишга чидамлилигини ошириши “озика учун рақобат”, АСС-деаминаза ферменти ва ИУК синтези каби механизмларга асосланган.
- Биофунгицид асоси бўлган ризобактериялар шўрланган тупроқда ўсган буғдой, ғўза, бодринг ва помидор илдизида вегетация давомида колонияланиб, яшаб кетиш хусусиятига эга.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Изланиш натижалари назарий ва амалий аҳамиятга эга. Илмий изланишлар мобайнида ўсимлик илдизида яшовчи бактериаларнинг хилма-хиллиги ва антагонистик хусусиятлари тупроқ ҳолатига боғлиқ эканлиги аниқланди. Уларнинг ўсимликлар билан ижобий алоқаларига тупроқ ҳолати ва ҳарорат каби омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди. Озика моддалари кам бўлган тупроқларда ризобактериялар самарадорлиги, озуқа моддалари кўпроқ бўлган тупроқлардагидан баландроқ бўлиши кузатилди. Ўсимликлардаги фузариоз илдиз чириш касалликларини биологик назорат қилувчи бактериялар танлашда уларнинг адаптация шароити ва экологик омилларни ҳисобга олиш зарур эканлиги таъкидланди. Биринчилардан бўлиб шўрланган тупроқларда учрайдиган бодринг ва помидор ўсимликларида илдиз чириш касаллигини кўзгатувчи замбуруғ *F. solani* тоза ҳолда ажратиб олинди. Шўрланган тупроқларда ўсган буғдой, ғўза, бодринг ва помидорда учрайдиган фузариоз илдиз чириш касаллигини фаол колонияланувчи ризосфера бактериялари ёрдамида биологик назорат қилиш мумкин эканлиги кузатилди. Биофунгицид асоси бўлган, ўсимликдаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилувчи, ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи ва шўрланишга чидамлилигини оширувчи бактерияларнинг интеграцияланиш механизми ёритиб берилди. Уларнинг ўсимликни фузариоз илдиз чириш касаллигидан ҳимоя қилиши ва шўрланишга чидамлилигини ошириши “озика учун рақобат”, АСС-деаминаза ферменти ва ИУК синтези каби механизмларига асосланганлиги тасдиқланди. Республиканинг шўрланган тупроқлари шароитида дехқончилик юритишда тупроқ унумдорлигини

оширувчи, буғдой, ғўза, бодринг ва помидордаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик химоя қилувчи, ўсимликни шўрланишга чидамлилигини оширувчи фаол биофунгицид яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Кўп йиллик илмий тадқиқотлардан олинган натижалар асосида қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини ошириш ва буғдой, ғўза, бодринг ва помидордаги фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик йўл билан назорат қилиш мақсадида биофунгицид яратиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Бундай биофунгицид яратишда, турли хил омилларни жумладан: биофунгицид қўлланиладиган иқлим, тупроқ ҳолати ва тури, ўсимлик нави ва бактериянинг ўсимлик илдизида рақобатбардошлик асосида колонияланиш хусусиятлари ҳисобга олиниши зарурлиги тавсия қилинди. Бундай йўл билан селекция қилинган бактериялар асосида яратилган биофунгицидларнинг самарадорлиги юқори бўлиши тасдиқланди. Ўсимликларни илдиз чириш касаллигидан химоя қилишда қўлланиладиган ушбу биофунгицидлар тупроқдаги бошқа микроорганизмларнинг сони ва фаолиятига салбий таъсир қилмасдан, фақатгина замбуруғлар сонини камайтириши кузатилди. Бундай биофунгицидлар, ҳозирги кунгача фойдаланилиб келинаётган кимёвий воситаларни қўллаш заруриятини тубдан камайтиради ва шу йўл билан атроф-муҳитни ҳамда инсонлар саломатлигини кимёвий воситаларнинг салбий таъсиридан химоя қилади.

Натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши. 1998-2010 йилларда ўтказилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида республиканинг шўрланган бўз тупроқларида буғдой, ғўза, бодринг ва помидор етиштиришда, ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи, шўрланишга чидамлилигини оширувчи ва фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик йўл билан химоя қилувчи бактериялар асосида биофунгицид яратилган. Яратилган биофунгициддан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқарилган ва мамлакатимизнинг Тошкент ва Хоразм вилоятларида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий натижалари “Young women scientist” (Kuala Lumpur, Malaysia, 2009) халқаро конференциясида, “Ўзбекистон тупроқлари ва ер ресурслари: улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш” мазусидаги конференцияда (Тошкент, 2008), Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциясида (Тошкент, 2008), “Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зарарли организмлардан биологик химоя қилиш усулининг қўлланиш истиқболлари” мазусидаги халқаро конференцияда (Тошкент 2008), “Олима аёлларнинг фан ва техника тараққиётида тутган ўрни” мазусидаги конференцияда (Тошкент 2008), Мюнхеннинг Helmholtz маркази томонидан ташкил этилган семинарда (München, Germany 2008), “XXI International Grassland” халқаро конференциясида (China, 2008), Phytochemical Society of Europe (PSE) “Future Trends in Photochemistry Compounds - Enzymes – Genes”

халқаро конференцияда (Bad Herrenalb, Germany, 2008), International Conference of Female Academics (ICFA) (Graz, Austria, 2007), “Women in Society, Science and Economy – Has There Been a Paradigm Shift?” 22 EWMD халқаро конференцияда (Graz, Austria, 2007), The Third Baltic Sea Region Symposium “Agro-biotechnology focused on Root Microbe Systems” (St. Petersburg, Russia, 2007) халқаро конференцияда, 7-чи халқаро Табиий моддалар химияси конференциясида (2007, Ташкент), “Экология ва саломатлик” Форумида (Ташкент, 2007), 3rd International Conference “Enzymes in the Environment – activity, ecology and applications” халқаро конференцияда (Viterbo, Italy, 2007), “Plant Protection in Europe” халқаро конференциясида (Berlin, Germany, 2007). International conference celebrating 75 years of ICSU “Global Scientific Challenges: Perspectives from Young Scientists” конференциясида (Lindau, Germany, 2007), 2nd FEMS Congress of European Microbiologists “Integrating Microbial Knowledge in Human Life” (Madrid, Spain, 2006) конференциясида, 20th IUBMB International Congress of Biochemistry and Molecular Biology and the 11th FAOBMB Congress (Kyoto, Japan, 2006), 7th “Plant Growth Promoting Rhizobacteria” конференциясида (Noordwijkerhout, the Netherlands, 2006), Institute for ornamental crops and vegetables (IGZEV) ташкил этган семинарда (Grossberon, Germany, 2005), 1st International Symposium on Biological Control of Bacterial Plant Diseases конференциясида (Darmstadt, Germany, 2005), 3rd World Congress in Environmental Education конференциясида (Torino, Italy, 2005), International InterDrought II конференциясида (Rome, Italy, 2005), 30th FEBS Congress, 9th IUBMB Conference, “The Protein World” конференциясида (Budapest, Hungary, 2005), 1st Scientific Workshop and Management Committee Meeting COST Action 859 on “Phytotechnologies to promote sustainable land use and improve food safety” конференциясида (Pisa, Italy, 2005), 20th International Grassland конференциясида (Dublin, Ireland, 2005), 8th Biogeochemistry of Trace Elements конференциясида (Adelaide, South Australia, 2005), European Forum on Agricultural Research for Development конференциясида (EFARD) (Zurich, Switzerland, 2005), International Workshop “Disease Biocontrol in Food Production” конференциясида (Sevilla, Spain, 2004), HUPO 2ND Annual & 19th International Congress of Biochemistry and molecular Biology IUBMB World Congress конференциясида (Montreal, Canada, 2003), XII World Forestry Congress (Quebec, Canada, 2003), 6th International Symposium and Exhibition on Environmental Contamination in Central and Eastern Europe and the Commonwealth of Independent States Prague конференциясида (Praga, Czech Republic, 2003), 11th International Molecular Plant Microbe Interactions Conference (St. Petersburg, Russia, 2003), 1st FEMS Congress of European Microbiologists конференциясида (Ljubljana, Slovenia, 2003), 7th International Mycological Congress (Oslo, Norway, 2002), 10th International Congress of Bacteriology, Applied Microbiology, Mycology and Virology “World of Microbes” конференциясида (Paris, France, 2002), 25th Annual Conservation Tillage Conference for Sustainable Agriculture, Workshop USDA-ARS Research Centre (Auburn, USA, 2002), International New Phytologist

Conference (Helsinki, Finland, 2002), 11th Congress of Mediterranean Phytopathological Union конференциясида (Evora, Portugal, 2001), International Colloquium of Plant Nutrition (Hanover, Germany, 2001), International Conference on Enzymes in the Environment (Granada, Spain, 1999) маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги.

Диссертация материаллари бўйича жами 120 та илмий ишлар эълон қилинган бўлиб, улардан 44 таси илмий мақола, 1 та монография (инглиз тилида) ҳамда 75 таси халқаро ва маҳаллий илмий анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши жами 243 бет. Кириш, 3 бобдан, хулосалар ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлик тўғрисида далолатномалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати (501) 3 боб матнларига тегишли 34 жадвал ва 40 чизма ҳамда 12 та иловадан иборат.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

1. Турли экологик омилларнинг илдизда яшовчи бактериялар миқдорига таъсири. Қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш, фасл ўзгариши, ўсимлик тури уларнинг илдизда яшовчи бактериялар миқдорига кучли таъсир кўрсатади. Буғдой, ғўза ва помидор илдизда яшовчи бактерияларга йил фаслларининг ўзгариши ва тупроқ қатламининг таъсири ўрганилди. Илдизда яшовчи бактерияларнинг энг юқори миқдори (10^6 - 10^8 (КХҚ/г тупроқ) буғдой ва помидор илдизда кузатилди. Уларнинг миқдори ёз фаслида кўпайса, қиш фаслига келиб пасайди. Атмосфера ҳароратининг кўтарилиши билан уларнинг миқдори ошиб боради. Илдиз эксудатларида учрайдиган глюкоза, лимон, оксалат ва глутамин кислоталари ризосферадаги бактериялар миқдорини ошишига олиб келади.

2. *F. culmorum* and *F. oxysporum* замбуруғларига қарши антагонист бактериялар турли туманлиги ва характеристикаси. Шўрланган ва шўрланмаган тупроқларда ўсган буғдой илдиздан бактериялар ажратиб олинди. Уларни *F. oxysporum* ва *F. culmorum* замбуруғларига қарши антагонистик хусусиятлари ўрганилди. Тажрибалар асосида, шўрланмаган тупроқдан ажратиб олинган бактерияларнинг 4.0 % *F. culmorum*, 4.5 % *F. oxysporum* замбуруғларига ва шўрланган тупроқдан ажратиб олинган бактерияларининг 12.5 % *F. culmorum*, 15.5 % *F. oxysporum* замбуруғларига қарши антагонистик хусусиятга эга эканлиги аниқланди. Шўрланмаган тупроқдан ажратиб олинган бактерияларнинг орасида 10 % илдиз ўсишини жадаллаштирувчи, 60 % поя ўсишини жадаллаштирувчи ва 3 % эса ўсимлик ўсишини сусайтирувчи бактериялар эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-Жадвал

Ризосфера бактерияларининг *F. culmorum* ва *F. oxysporum* замбуруғларига нисбатан антагонистик хусусиятлари ва уларнинг буғдой ўсишига таъсири

Тупроқ типи	Антагонизм, %	буғдой ўсишини жадаллаштириш,	буғдой ўсишини сусайтирувчанл
-------------	---------------	-------------------------------	-------------------------------

			%		иги, %
	<i>F. culmorum</i>	<i>F. oxysporum</i>	Илдиз	Поя	
шўрланмаган	4.0	4.5	10.0	60.0	3.0
шўрланган	12.5	15.5	11.0	15.2	23.9

Шўрланган тупроқдан ажратиб олинган бактерияларнинг орасида 11 % илдиз ўсишини жадаллаштирувчи, 15.2 % поя ўсишини жадаллаштирувчи ва 23,9 % эса ўсимлик ўсишини сусайтирувчи бактериялар эканлиги аниқланди (1-жадвал). Тупроқ типи – ўсимлик илдизида яшовчи бактериаларни хилма-хиллигига таъсир қилувчи асосий фактор бўлиб ҳисобланади. Шўрланмаган тупроқларда ўсган буғдой ризосферасидан ажратиб олинган ва *F.culmorum*, *F.oxysporum* замбуруғларига нисбатан антагонист бўлган бактериялар *Agrobacterium rhizogenes*, *Bacillus clausii*, *B. lentus*, *B. pseudofirmus*, *B. cohnii*, *Cellulomonas sp.*, *Microbacterium lacticum*, *Rahnella aquatilis*, *Rhizobium trifolii*, *P. fluorescens* турларига мансуб эканлиги аниқланди. Шўрланган тупроқларда буғдой ризосферасида яшовчи ва *F.culmorum*, *F.oxysporum* замбуруғларига нисбатан антагонист бактериялар *Acinetobacter sp.*, *Alcaligenes faecalis*, *B. cereus*, *B. amyloliquefaciens*, *B. polymyxa*, *Enterobacter hormaechei*, *Mycobacterium phlei*, *Pantoea agglomerans*, *P. aeruginosa*, *P. alcaligenes*, *Staphylococcus saprophyticus* каби турларга кириши кузатилди. Асосий кузатишлардан бири – бу бактерияларни кўпчилиги инсон саломатлигига зарар келтирувчи, патоген бактериялар гуруҳига мансуб эканлиги аниқланди. Барча танлаб олинган антагонист бактериялар *P.alcaligenes* PsA15, *B.amyloliquefaciens* BcA12, *B.polymyxa* BcP26 ва *M. phlei* MbP18 оксидаза, нитратредуктаза ва амилаза, липаза ва пектиниза ферментларини ажратиши аниқланган, ҳеч бир бактерия лецитиназа ва тритофаназа синтез қилмайди. Уларнинг ҳаммаси озика кам, азотсиз, шўрланган муҳитда, юқори ҳароратларда яшаб кета оладилар.

3. Антагонистик бактериялар ва ўсимликлар орасидаги ўзаро муносабатларга абиотик омилларнинг таъсири. Абиотик муҳит антагонист бактерияларни ўсимлик билан ижобий алоқаларига ва самарадорлигига таъсир этувчи асосий критерия бўлиб ҳисобланади.

Ғўза ва буғдой ўсишини жадаллаштирувчи антагонист бактериялар фаолиятига ҳароратни таъсири. Изланишларимизда, кумлоқи лой тупроқда (мўтадил иқлим) ўсган буғдой илдизидан ажратиб олинган антагонист бактериялар *R trifolii* R39, *R. aquatilis* 6, *P. fluorescenc* PsIA12, *Cellulomonas sp.* 43 буғдой ва ғўза ўсишини 26°C ҳароратга нисбатан 16°C да кўпроқ оширганлиги кузатилди (2-жадвал). Бактериялар билан ишлов берилган буғдойнинг пояси ва илдизи қуруқ массаси назоратга нисбатан 71% гача, ғўзанинг пояси ва илдизи қуруқ массаси эса 67% гача ортди. Шунингдек ҳарорат кўтарилиши билан бактерияларнинг ўсимлик ўсишига ижобий таъсири пасайди.

Ғўза ва буғдой ўсишини жадаллаштирувчи антагонист бактериялар фаолиятига турли тупроқ шароитларини таъсири. Турли тупроқ типларида, турли табиатга эга бўлган озиқа муҳити мавжуд ва бу ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи бактерияларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Шўрланган бўз тупроқда (иссиқ иқлим) ўсган буғдойдан ажратиб олинган антагонист бактериялар *P. alcaligenes* PsA15, *B. amyloliquefaciens* BcA12, *B. polymyxa* BcP26 ва *M. phlei* MbP18 буғдой ва ғўзанинг ўсишини шўрланмаган қумлоқи лой тупроқдан кўра, шўрланган тупроқда яхшироқ жадаллаштириб, илдиз қуруқ массасини 37 % гача ва поя қуруқ массасини 43 % гача оширганлигини кузатдик (3-жадвал).

2-Жадвал

Қумлоқи лой тупроқлардан ажратиб олинган антагонист бактерияларнинг турли ҳароратда буғдой ва ғўзанинг илдиз ва поясини ўсишига таъсири

Бактерия	16°C		26°C	
	Поя	Илдиз	Поя	Илдиз
Назорат (Буғдой)	100 (0,1136) ¹	100 (0,1315) ¹	100 (0,1266) ¹	100 (0,0734) ¹
<i>R. trifolii</i> R39	109	147*	105	108
<i>R. aquatilis</i> 6	110	150*	108	110
<i>P. fluorescenc</i> PsIA12	109	171*	101	105
<i>Cellulomonas</i> sp. 43	111	130*	109	106
Назорат (Ғўза)	100 (0.2065) ¹	100 (0.1081) ¹	100 (0.2655) ¹	100 (0.1243) ¹
<i>R. trifolii</i> R39	167*	142*	126*	117
<i>R. aquatilis</i> 6	126*	133*	121*	114
<i>P. fluorescenc</i> PsIA12	135*	126*	102	101
<i>Cellulomonas</i> sp. 43	165*	139*	119	105

Изоҳ: ¹г/ўсимлик, назорат =100%, * назоратга нисбатан сезиларли фарқ P<0.05

Шўрланмаган, озуқага бой, қумлоқи лой тупроқларда назоратдаги ўсимлик тупроқдан етарлича озиқа олади. Шўрланган бўз тупроқларда эса юқори рН муҳитида ўсимликлар озукани яхши ўзлаштира олмайдилар ва назоратдаги ўсимликлар суст ўсади. Ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи ризобактериялар тупроқ таркибидаги ўсимлик ўзлаштириши учун қийин бўлган баъзи бир озиқа элементларини биологик жараёнлар ёрдамида энгил ўзлаштира олинган шаклга айлантира оладилар. Шу сабабли шўрланган бўз тупроқларда *P. alcaligenes* PsA15, *B. amyloliquefaciens* BcA12, *B. polymyxa* BcP26 ва *M. phlei* MbP46 бактериялар билан ишлов берилган буғдойнинг пояси ва илдизи таркибидаги N назоратга нисбатан 94%, P - 51%, ва K – 49% га ортди. Шунингдек, бактериялар билан ишлов берилган ғўзанинг илдизи ва пояси таркибидаги N назоратга нисбатан 42%, P - 45% ва K - 29% га ортганлиги кузатилди. Қумлоқи лой тупроқларда ўсган бактериялар билан ишлов берилган

ўсимликларнинг илдизи ва поясини N, P ва K элементларини ўзлаштириши паст эканлиги аниқланди.

3-Жадвал

Шўрланган бўз тупроқлардан ажратиб олинган антагонист бактерияларнинг турли тупроқ шароитларида буғдой ва ғўзанинг илдиз ва поясини ўсишига таъсири

Бактериялар	Қумлоқи лой		бўз	
	Поя	Илдиз	Поя	Илдиз
Назорат (Буғдой)	100 (0,151) ¹	100 (0,168) ¹	100 (0,393) ¹	100 (0,268) ¹
<i>P. alcaligenes</i> PsA1,	104	108	116*	125*
<i>B. amyloliquefaciens</i> BcA12	102	120*	143*	137*
<i>B. polymyxa</i> BcP26	101	110	115	119*
<i>M. phlei</i> MbP18	111	110	113	116
Назорат (Ўза)	100 (0.247) ¹	100 (0.141) ¹	100 (0.410) ¹	100 (0.283) ¹
<i>P. alcaligenes</i> PsA15	107	111	110	116*
<i>B. amyloliquefaciens</i> BcA12	106	108	129*	124*
<i>B. polymyxa</i> BcP26	110	112	111	113*
<i>M. phlei</i> MbP18	104	109	113	108

Изоҳ: ¹г/ўсимлик, назорат =100%, * назоратга нисбатан сезиларли фарқ P<0.05

Антагонист бактерияларнинг ўзада фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш хусусиятига турли тупроқ типининг таъсири. *F. oxysporum* билан зарарлантирилган қумлоқи лой тупроқда касалланган ўсимликлар сони 69% ни ва шўрланган бўз тупроқларда эса 76% ни ташкил қилди. *P. alcaligenes* PsA15, *B. amyloliquefaciens* BcA12, *B. polymyxa* BcP26 and *M. phlei* MbP18 штаммлар ўза касаллигини бўз тупроқда 26% га ва қумлоқи лой тупроқларда 39% га инокуляция қилинмаган назоратга нисбатан камайтирди (4-Жадвал). Бактерияларнинг ўза илдиз касалликларини биологик назорат қилиш хусусияти қумлоқи лой тупроққа нисбатан бўз тупроқларда самаралироқ эканлиги аниқланди.

Олинган натижаларга кўра, ўсимлик ўсишини жадаллаштирувчи ва касалликлардан химоя қилувчи, фаол бактерияларни яратишда уларнинг мослашган мухитини эътиборга олиш керак.

4-Жадвал

Антагонист бактерияларнинг ўзада *F. oxysporum* чақирадиган илдиз чириш касаллигини турли тупроқ шароитларида биологик назорат қилиши

Ишлов берилиши ^a	Қумлоқи лой тупроқ	Бўз тупроқ
	Касалланган ўсимлик	

Назорат, <i>F. oxysporum</i>	69 ± 5.8	76 ± 9.8
<i>P. alcaligenes</i> PsA15	43 ± 11.2	26 ± 10.2*
<i>B. amyloliquefaciens</i> BcA12	50 ± 8.2	31 ± 9.1*
<i>B. polymyxa</i> BcP26	48 ± 6.8	37 ± 7.2
<i>M. phlei</i> MbP18	39 ± 9.1*	30 ± 6.9*

^a Ғўза *F. oxysporum* споралари билан зарарлантирилган тупроқда ўстирилган (3.0×10^7 спора/ кг тупроқда), * назоратга нисбатан сезиларли фарқ $P < 0.05$


4. Шўрланган тупроқларда буғдой, ғўза, помидор ва бодринг фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилувчи биофунгицидлар яратиш. Ўсимликлар шўрлаган тупроқ шароитида патоген замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликларга чалинувчан бўлиб қолади. Булар орасида *F. oxysporum*, *F. culmorum* ва *F. solani* каби патогенлари кенг тарқалган. Ризосфера бактериялари ёрдамида патогенлар миқдорини камайтириш ва ўсимлик касалликларини биологик назорат қилиш мумкин.

Буғдой, ғўза, помидор ва бодринг илдизлардаги *Fusarium* патогенини ажратиш олиш ва аниқлаш. Ризосфера бактерияларининг шўрланган тупроқларда ўсган буғдой, ғўза, помидор ва бодринг ўсимликларида илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш хусусиятларини ўрганиш учун зарарланган ўсимлик илдизларидан *Fusarium* замбуруғларини ажратиш олинди. Помидор ва бодринг илдиз чириш касаллигини кўзғатувчи замбуруғ *F. solani* турига, ғўза илдизидаги патоген *F. oxysporum f. sp. vasinfectum* турига, ва буғдой патогени *F. culmorum* турига мансуб эканлиги ва улар NaCl нинг 4% эритмасига чидамли эканлиги аниқланди (1-Расм). *Fusarium* споралари аралаштирилмаган тупроқларда ўстирилган буғдойнинг 16%, ғўзанинг 23%, бодрингнинг 16%, помидорнинг 21% илдизи ва патоген замбуруғ билан зарарлантирилганда буғдойнинг 47%, ғўзанинг 41%, бодрингнинг 54%, помидорнинг 46% да касаллик симптомлари борлиги аниқланди (5-Жадвал).

5-Жадвал

Бодринг, помидор, буғдой ва ғўза ўсимлигининг шўрланган тупроқларда патоген *Fusarium* замбуруғи келтириб чиқарадиган илдиз чириш касаллигига чалинувчанлиги (%)

Ишлов бериш	Помидор	Бодринг	Буғдой	Ғўза
<i>Fusarium</i> йўқ	21	17	16	23
<i>Fusarium</i> бор	46	54	47	41




1-Расм. Помидор ва бодринг илдиз патогени *F. solani* ни турли NaCl нинг эритмасига чидамлилиги


Илдизда рақобатбардош колонияланадиган, шўрга чидамли бактерияларни скрининги. Гнотобиотик кум системасида ўстирилган буғдой илдизидан фаол, рақобатбардош колонияланувчи, шўрга чидамли бактериялар танлаб олинди. Ажратиб олинган бактериялар *P. putida*, *P. extremorientalis*, *P. chlororaphis* ва *P. aureantiaca* эканлиги аниқланди.

Буғдой, ғўза, помидор ва бодрингда фузариоз илдиз чириш касаллигини ризобактериялар ёрдамида биологик назорат қилиш. Буғдой. Тажрибаларда илдизда фаол колонияланувчи бактериялар буғдойда фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиши кузатилди. *Fusarium culmorum* патогени билан зарарланган тупроқда (назорат) ўсган буғдойда фузариоз илдиз чириш касаллиги 47% га етди (2-Расм). *P. chlororaphis* TSAU13 (23%), *P. putida* 1T1 (17%), *S. rhizophila* ep17 (19%), *P. extremorientalis* TSAU20 (19%) ва *P. aureantiaca* TSAU22 (23%) штамmlарининг касалланган ўсимликлар сонини камайтирганлиги кузатилди (2-расм).

Ғўза. Тажрибаларда *Fusarium* патогени билан зарарланган шўрланган тупроқда 41% ғўза ўсимлиги касаллангани қайд этилди (3-Расм). Саккизта бактерия штамmlари орасида 4 таси, жумладан *P. chlororaphis* TSAU13 (15%), *P. putida* TSAU1 (12%), *P. putida* 1T1 (15%) ва *P. extremorientalis* TSAU20 (15%) штамmlари ғўза илдиз чириш касаллигини камайтирди.




2-Расм. Ризобактериялар ёрдамида буғдойнинг фузариоз илдиз чиршиш касаллигини биологик назорат қилиш (*F-Fusarium* билан зарарланган тупроқ (назорат) ва бактериялар *P.chlororaphis* TSAU13, *P.putida* TSAU1 ва 1T1, *P.extremorientalis* TSAU6 ва TSAU20, *P.aureantiaca* TSAU22, *P.trivialis* 3Re27, *S.rhizophila* ep17 билан ишлов берилган буғдой ўсимлиги, *назоратга нисбатан сезиларли фарқ P<0.05)




3-Расм. Ризобактериялар ёрдамида ғўзанинг фузариоз илдиз чиршиш касаллигини биологик назорат қилиш (*F-Fusarium* билан зарарланган тупроқ (назорат) ва бактериялар *P.chlororaphis* TSAU13, *P.putida* TSAU1 ва 1T1, *P.extremorientalis* TSAU6 ва TSAU20, *P.aureantiaca* TSAU22, *P.trivialis* 3Re27, *S.rhizophila* ep17 билан ишлов берилган ғўза ўсимлиги, * назоратга нисбатан сезиларли фарқ P<0.05)

Бодринг. Олиб борилган тажрибаларда, бактерияларнинг бодрингда *F. solani* қўзғатадиган илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш хусусиятлари ўрганилди. Патоген замбуруғи *F. solani* билан зарарлантирилган тупроқда ўсган бодрингни 54% касалланганлиги қайд этилди. Бактерия штамлари билан ишлов берилган бодрингнинг илдиз чириш касаллигига таъсирчанлиги камайди (4-Расм). Ҳамма қўлланилган бактерия штамлари *P.chlororaphis* TSAU13, *P. putida* TSAU1, *P. putida* 1T1, *P. trivialis* 3Re 27, *S. rhizophila* ep17, *P. extremorientalis* TSAU6, *P. extremorientalis* TSAU20, ва *P. aureantiaca* TSAU22 бодрингни илдиз чириш касаллигини назоратга нисбатан 15% гача камайтирди (4-Расм).



4-Расм. Ризобактериялар ёрдамида бодрингнинг фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш (*F-Fusarium* билан зарарланган тупроқ (назорат) ва бактериялар *P. chlororaphis* TSAU13, *P.putida* TSAU1 ва 1T1, *P. extremorientalis* TSAU6 ва TSAU20, *P.aureantiaca* TSAU22, *P.trivialis* 3Re27, *S.rhizophila* ep17 билан ишлов берилган бодринг ўсимлиги, *назоратга нисбатан сезиларли фарқ $P<0.05$

Помидор: Олиб борилган тажрибаларда, илк бора шўрланган тупроқларда помидор илдиз чириш касаллигини қўзғатувчи *F. solani* патогени тарқалганини аниқладик. *F.solani* билан зарарланган тупроқда (назорат) ўсган помидорда фузариоз илдиз чириш касаллиги 46% га етди. Бу касалликни биологик назорат қилиш мақсадида олдиндан танлаб олинган саккизта бактерия штамларидан фойдаланилди. Улар орасида *P. extremorientalis* TSAU6 ва *P. trivialis* 1T1 помидор илдиз чириш касаллигини 14% гача камайтиргани аниқланди (5-Расм). Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илдизда фаол колонияланувчи ризосфера бактериялари ёрдамида шўрланган бўз тупроқларда фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш мумкин.



5-Расм. Ризобактериялар ёрдамида помидорнинг фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилиш (*F-Fusarium* билан зарарланган тупроқ (назорат) ва бактериялар *P. chlororaphis* TSAU13, *P.putida* TSAU1 ва 1T1, *P. extremorientalis* TSAU6 ва TSAU20, *P.aureantiaca* TSAU22, *P.trivialis* 3Re27, *S.rhizophila* ep17 билан ишлов берилган бодринг ўсимлиги, *назоратга нисбатан сезиларли фарқ $P<0.05$

Ризобактерияларнинг буғдой, ғўза, помидор ва бодринг ўсимликларини ўсишини жадаллаштириши. Буғдой, ғўза, помидор ва бодрингда *Fusarium* патогени келтириб чиқарадиган илдиз чириш касалликларини биологик назорат қилувчи бактерияларни шўрланган тупроқда ўсимлик ўсишини жадаллаштириш хусусиятлари ўрганилди. Бактериялар орасида *P. putida* TSAU1, *P. aureantiaca* TSAU22, *P. extremorientalis* TSAU6 ва TSAU20 штаммлари буғдой ва ғўзани ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Улар буғдой поя узунлигини назоратга нисбатан 12% гача, ўсимлик умумий қуруқ массасини 25% гача, ғўзани поя узунлигини 14% гача ва ўсимлик умумий қуруқ массасини 21% гача жадаллаштирганлиги кузатилди (6-Жаидвал).

Барча ризобактериялар штаммлари бодринг ва помидор ўсишига ҳам ижобий таъсир қилган. Улар орасида энг фаоллари *P. putida* TSAU1 ва *P. putida* 1T1, *P. extremorientalis* TSAU 20, *P. trivialis* 3re27 бўлиб, улар бодринг поя узунлигини назоратга нисбатан 32% гача ва ўсимликни умумий қуруқ массасини 25% гача ва помидор поя узунлигини ва ўсимликни умумий қуруқ массасини 27% гача жадаллаштирганлигини кузатилди (7-Жаидвал).

7-Жадвал

Ризобактерияларнинг шўрланган тупроқларда ўсган бодринг ва помидор
поя узунлиги ва ўсимлик қуруқ массасига таъсири

Бактериял штамлар	Бодринг ^а		Помидор ^а	
	Поя узунлиги см	Қуруқ масса, г/ўсимлик	Поя узунлиги, см	Қуруқ масса, г/ўсимлик
Назорат	18.0	0.23	7.6	0.140
<i>P. putida</i> TSAU 1	21.0	0.36*	7.9	0.152*
<i>P. aureantiaca</i> TSAU 22	21.4	0.27	8.3*	0.150
<i>P. extremorientalis</i> TSAU 6	23.4*	0.29*	7.6	0.142
<i>P. chlororaphis</i> TSAU 13	23.8*	0.32*	8.0	0.145
<i>P. extremorientalis</i> TSAU 20	22.8*	0.28*	9.7*	0.178*
<i>P. putida</i> 1T1	22.0*	0.35*	9.5*	0.173*
<i>S. rhizophila</i> Ep17	21.9	0.33*	7.4	0.146
<i>P. trivialis</i> 3re27	22.5*	0.34*	8.4*	0.154*

^а4 ҳафталик ўсимлик, * назоратга нисбатан сезиларли фарқ P<0.05

Ризобактерияларнинг бодринг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш тажрибалари ёпиқ иссиқхоналарда ҳам 2007-2008 йиллар давомида олиб борилди. Бунда 3 та энг фаол бактерия штамлари *P. putida* TSAU1, *P. extremorientalis* TSAU20 ва *P. chlororaphis* TSAU13 лардан фойдаланилди. 2007 йилда бактериал препаратлар бодринг ҳосилдорлигини назоратга нисбатан 12% гача оширди. 2008 йилда эса, бактериал препаратлар билан ишлов берилган бодринг поя узунлиги назоратга нисбатан 15% гача ва ҳосилдорлиги эса 32% гача ошгани қайд этилди (8-Жадвал).

8-Жадвал

Бактериал препаратларнинг бодринг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири
(ёпиқ иссиқхона, 2008 йил)

Вариантлар	Ўсимлик поя узунлиги (см)		Мева ҳосилдорлиги	
		%	(кг/м ²)	%
Назорат	174 ± 7.4	100	10.3 ± 0.1	100
<i>P. putida</i> TSAU1	194* ± 6.3	111	12.4* ± 0.4	120
<i>P. chlororaphis</i> TSAU13	187* ± 7.1	107	11.6* ± 0.3	112
<i>P. extremorientalis</i> TSAU20	197* ± 6.4	115	13.6* ± 0.2	132

Бодринг уруғи 15.03.2008 экилган, ҳосил 30.05.2008 олинган; *назоратга нисбатан ишончлилик даражаси $P < 0.05$

Иссиқхона шароитида помидор билан олиб борилган тажриба натижаларига кўра, шўрланган тупроқларда *P. putida* TSAU1, *P. chlororaphis* TSAU13 ва *P. extremorientalis* TSAU20 штаммлари асосида тайёрланган бактериал препаратлар билан ишлов берилган помидор поя узунлиги назоратга нисбатан 30% гача ва ҳосилдорлиги эса 22% гача ошганлиги кузатилди (9-Жадвал)..

9-Жадвал

Бактериал препаратларнинг помидор ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири (ёпиқ иссиқхона, 2006 йил)

Вариантлар	Ўсимлик поя		Мева	
	узунлиги (см)	%	ҳосилдорлиги (kg/m ²)	%
Назорат	118.2 ± 3.9	100	13.9 ± 1.5	100
<i>P. putida</i> TSAU1	154.4* ± 4.9	130	16.4* ± 1.6	117
<i>P. chlororaphis</i> TSAU13	149.8* ± 7.1	126	15.6* ± 1.2	112
<i>P. extremorientalis</i> TSAU20	152.5* ± 7.5	128	17.0* ± 1.2	122


Помидор уруғи 1.03.2006 экилган, ҳосил 24.06.2006 йиғиб олинган; *назоратга нисбатан ишончлилик даражаси $P < 0.05$

Дала шароитларида олиб борилган тажрибаларда *P. extremorientalis* TSAU20 ва *P. chlororaphis* TSAU13 асосида тайёрланган бактериал препаратлар буғдой ҳосилдорлигини назоратга нисбатан 15% гача, ғўза ҳосилдорлигини эса 12% гача оширганлиги қайд этилди. Олинган натижалар, шўрга чидамли, илдизда фаол колонияланувчи, ўсимлик фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилувчи ризобактериялар асосида тайёрланган биофунгицидлар буғдой, ғўза, помидор ва бодринг ўсимликларини ўсишини жадаллаштиради ва ҳосилдорлигини оширади.

Ризобактериялар ёрдамида ўсимликнинг шўрга чидамлилигини ошириш. Олиб борилган тажрибаларда 50, 100, 125 mM NaCl шароитида бактериалар билан ишлов берилган буғдой, помидор ва бодринг ўсимликларининг шўрга чидамлилиги назоратга нисбатан ошганлиги кузатилди. Бактериал штаммлар *P. extremorientalis* TSAU20 буғдойнинг ўсишини 50 mM NaCl шароитида назоратга нисбатан 85%, 100 mM NaCl шароитида 23%, 125 mM NaCl шароитида эса 38% гача оширди.


Бодринг билан олиб борилган тажрибаларда *P. putida* 1T1, *S. rhizophilia* ep17, *P. trivialis* 3re27 ва *P. extremorientalis* TSAU20 бактериялари бодринг ўсимлигини

ўсишини 50 mM NaCl шароитда назоратга нисбатан 91% гача ва 100 mM NaCl шароитда 135% гача жадаллаштирди (6-Расм). Шўрланиш бактериал штаммларнинг бодринг ўсишини жадаллаштириш хусусиятига таъсир қилмади.



6-Расм. Ризобактерияларнинг (*P. putida* 1T1, *S.rizophila* ep17, *P.trivialis* 3re27, *P. extremorientalis* TSAU20) шўрланган мухитда бодринг ўсишига таъсири (г/ўсимлик, NaCl концентрацияси 50, 100mM)

Помидор билан олиб борилган тажрибаларда бактериялар 50 mM NaCl шароитида ўсимликларни ўсишини 55% гача оширди ва 100 mM NaCl шароитида эса помидорни ўсиши назоратга нисбатан ўзгармади Юқори даражада шўрланиш бактерияларнинг помидор ўсишини жадаллаштириш хусусиятини сусайтирди. (7-Расм).



6-Расм. Ризобактерияларнинг (*P. putida* 1T1, *S.rizophila* ep17, *P.trivialis* 3Re27, *P. extremorientalis* TSAU20) шўрланган муҳитда помидор ўсишига таъсири (г/ўсимлик, NaCl концентрацияси 50, 100мМ)

Олинган натижалар, шўрга чидамли, илдизда фаол колонияланувчи, ўсимлик фузариоз илдиз чириш касаллигини биологик назорат қилувчи ризобактериялар асосида тайёрланган биофунгицидлар буғдой, помидор ва бодринг ўсимликларини шўрга чидамлилигини оширишини кўрсатди.


6. Ризобактерияларнинг ўсимлик касаллигини биологик назорат қилиш, ўсишини жадаллаштириш ва шўрланишга чидамлилигини ошириш механизмлари. Ризобактериялар томонидан ўсимликларни ўсишига таъсир қилувчи бир неча механизмлар мавжуд бўлиб буларга фитогармон синтез қилиш, патоген замбуруғларига қарши антагонизм ва касалликларга қарши иммунитетини ошириш киради.

Ўсимликнинг патоген замбуруғларига қарши антагонизм. Ўсимликнинг замбуруғ касалликларини биологик назорат қилишда бактериялар замбуруғ ўсишини тўхтатиш орқали ҳам эришиш мумкин. Тажрибаларда ризосфера бактериялар *P. aureantiaca* TSAU 22, *P. extremorientalis* TSAU 6, *P. chlororaphis* TSAU 13, *P. extremorientalis* TSAU 20, *P. putida* 1T1, *S. rhizophila* ep17, ва *P. trivialis* 3Re27 штаммлари *F.oxysporum*, *F. solani*, *F. culmorum* каби патоген замбуруғларга антагонистик хусусиятлари кузатилди (11-Жадвал). *P. trivialis* 3Re27 ва *P. chlororaphis* TSAU13 штаммлари брча патоген замбуруғларга, *S. rhizophila* ep17 штамми эса фақат *F.oxysporum* ва *F. solani* замбуруғларига нисбатан антагонист экнлиги кузатилди. Шўрланиш ризобактерияларнинг антагонистик фаолиятига таъсир қилиб, 4% NaCl эритмасида бактериаларнинг *Fusarium* замбуруғига нисбатан антагонистик хусусияти сусайди.

Ризобактерияларни HCN ва замбуруғ хужайра деворини парчаловчи ферментлар синтез қилиши. Патоген замбуруғларига антагонист бўлган *P. trivialis* 3Re27 штамми HCN синтез қилиши, *S. rhizophila* e-p17 ва *P. chlororaphis* TSAU13 штаммлари эса протеаза, липаза ферменти синтез қилиши кузатилди.

Ризобактерияларни шўрга чидамлилиги. *P. trivialis* 3Re27, *S. rhizophila* e-p17, *P. putida* 1T1, *P. putida* TSAU1, *P. extremorientalis* TSAU20, *P. chlororaphis* TSAU13, *P. aureantiaca* TSAU22, *P. extremorientalis* TSAU6 бактериял штаммлар 2% дан 4% гача NaCl шўрланган шароитда ва 37-40°C ҳароратда ўса олади ва бу уларнинг шўрланган тупроқларда яшаб кета олиш хусусияти мавжудлигини билдиради.

Ризобактерияларнинг индолил-3сирка кислотаси (ИСК) ва АСС-диаминаза ферменти синтез қилиши. Тадқиқотларимизда қўлланилган барча ризобактериялар *P. putida* 1T1, *S. rhizophila* e-p17, *P. putida* TSAU1, *P. extremorientalis* TSAU20, *P. chlororaphis* TSAU13, *P. aureantiaca* TSAU22, *P. extremorientalis* TSAU6 шўрланган шароитда ҳам ИСК синтез қила олиши кузатилди (8-Расм). Триптофан мавжуд муҳитда эса уларнинг ИСК синтез қилиши кучайди.



P. putida TSAU1

P. extremorientalis TSAU20

Изох: Ризобактериялар 7 кун давомидида 28 °C да триптофансиз ва 100 мкг/мл триптофан мавжуд суяқ ҚВ муҳитида ўстирилди).

8-Расм. Ризобактерияларнинг турли NaCl эритмаси шароитида ИСК синтез қилиши

Тажрибаларда *P. putida* TSAU1, *P. aureantiaca* TSAU22 ва *P. trivialis* 3Re27 штаммлари АСС-диаминаза ферменти синтез қила олиш хусусияти аниқланди. Бу эса ўсимлик илдизида этилен миқдори камайиб ўсимликни шўрга ва стресс омилларга чидамлилигини ошишидан далолат беади.

Озуқа учун рақобат. Ризобактериялар ўсимликни турли патогенлардан ва стресс омиллардан ҳимоя қилиши учун, улар озуқа учун катта рақобат мавжуд бўлган ўсимлик илдизида колонияланиб яшаб кетиши керак. Тажрибаларда ризобактерияларнинг рақобатбардош колонияланиш хусусияти фаол колонизатор бўлган *P. fluorescens* WCS365 штаммига нисбатан ўрганилди. Ризобактериялар орасида *P. putida* TSAU1, *P. chlororaphis* TSAU 13 ва *P.*

aureantiaca TSAU 22 штамлари илдизда рақобатбардош колонияланиш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Улар фаол колонизатор бўлган *P. fluorescens* WCS365 штаммига нисбатан ризосферада кўпроқ колонияланди (12-Жадвал). Энг яхши колонизаторларнинг сони (Лог (КХК)/см илдиз учида 4.36 (TSAU1), 5.56 (TSAU13) ва 4.93 (TSAU22) каби миқдори ташкил этди.

12- Жадвал

Буғдойнинг илдизи учида ризобактерияларнинг илдизда рақобатбардош колонияланиш хусусияти

Бактерия	(Лог (КХК)/см илдиз учи	
	Текширилаётган штамм	Рақобатчи штамм
<i>P. putida</i> TSAU 1	4.4 ± 0.5	4.3 ± 0.2
<i>P. extremorientalis</i> TSAU 6	3.4 ± 1.4	4.9 ± 0.4
<i>P. chlororaphis</i> TSAU 13	5.6 ± 0.6	5.0 ± 0.4
<i>P. extremorientalis</i> TSAU 20	4.3 ± 0.4	4.3 ± 0.3
<i>P. aureantiaca</i> TSAU 22	4.9 ± 0.5	4.8 ± 0.9

Изох: *P. fluorescens* WCS365 ёки PCL1285 (манбаи WCS365 бўлган канамицинга чидамли Tn5luxAB мутант)

Ризобактерияларнинг илдизда яшаб кетиши. Ризобактерияларнинг илдизда ўсимлик вегетация даврида яшаб кетишини кузатиш учун, штаммалардан рифампицинга чидамли мутантлар олинди. Натижаларга кўра, *P. chlororaphis* TSAU13 125мМ NaCl эритмали мухитда ўсган буғдой ва ғўза илдизида яхши колонияланиб вегетация давомида яшаб кетганлиги кузатилди.

Ўсимлик ўсган мухитда NaCl эритмасининг концентрацияси ортиши *P. putida* 1T1, *S. rhizophila* ep17, *P. trivialis* 3re27 ва *P. extremorientalis* TSAU20 мутантларнинг бодринг ва помидор илдизида колонияланишига салбий таъсир этмади. Уларнинг миқдори фақат 100 мМ NaCl шароитида камайганлиги кузатилди (13, 14-Жадвал).

13-Жадвал

NaCl эритмасининг ризобактерияларнинг бодринг ризосферасида колонияланишига таъсири

Бактерия	NaCl эритмаси (mM)		
	0	50	100
<i>P. putida</i> 1T1	3.9 ± 0.1	3.9 ± 0.1	3.6 ± 0.3
<i>P. trivialis</i> 3re27	4.2 ± 0.1	4.0 ± 0.2	3.5 ± 0.2
<i>P. extremorientalis</i> TSAU20	3.9 ± 0.1	3.7 ± 0.2	3.6 ± 0.2
<i>S. rhizophila</i> ep17	3.8 ± 0.3	3.8 ± 0.1	3.5 ± 0.2


Изох: Ўсимликлар тувакдаги 50, 100 мМ NaCl эритмаси қуйилган тупроқда 4 ҳафта давомида ўстирилган, уруғни инокуляция қилишда рифампицинга чидамли мутантлардан фойдаланилган, бактериялар сони Лог (КХК)/см илдиз учи) да кўрсатилган.

**NaCl эритмасининг ризоактерияларнинг помидор ризосферасида
колонияланишига таъсири**

Бактерия	NaCl эритмаси (mM)		
	0	50	100
<i>P. putida</i> 1T1	3.6 ± 0.3	3.6 ± 0.4	3.4 ± 0.3
<i>P. trivialis</i> 3re27	3.9 ± 0.2	3.8 ± 0.2	3.1 ± 0.2
<i>P. extremorientalis</i> TSAU20	3.7 ± 0.1	3.7 ± 0.2	3.2 ± 0.2
<i>S. rhizophila</i> ep17	4.0 ± 0.1	3.3 ± 0.5	3.2 ± 0.2

Изоҳ: Ўсимликлар тувакдаги 50, 100 mM NaCl эритмаси куйилган тупроқда 4 hafta давомида ўстирилган, уруғни инокуляция қилишда рифампицинга чидамли мутантлардан фойдаланилган, бактериялар сони Лог (КХК)/см илдиз учи) да кўрсатилган.

